АДОЛАТ
ҲАР ИШДА
ҲАМРОҲИМИЗ
ВА
ДАСТУРИМИЗ
БЎЛСИН!

# ИНСОН ва ҚОНУН

2002 йил
8 ОКТЯБР
сешанба
№ 40 (296)
Сотувда
эркин
нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

## ҲАМКОРЛИК ВА ЎЗАРО АНГЛАШУВ – УМУМИЙ МУАММОЛАРНИ ЕЧИШНИНГ ЯГОНА ЙЎЛИ

***5-6 октябрь кунлари Тожикистон пойтахти Душанбеда "Марказий Осиё ҳамкорлиги" ташкилоти саммити ҳамда Халқаро Оролни қутқариш жамғармасига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари — Ислом Каримов, Нурсултон Назарбоев, Асқар Акаев ва Имомали Раҳмоновнинг учрашуви бўлиб ўтди.***

***Ислом Каримовнинг Душанбега ташрифи ҳукумат қароргоҳида Тожикистон раҳбари билан учрашувдан бошланди. Унда президентлар ўзаро муносабатларни ривожлантириш, сиёсий, иқтисодий, маданий, ижтимоий ҳамкорлик, шунингдек, минтақавий хавфсизлик масалалари юзасидан фикр алмашди.***

Тожикистон Президентининг Душанбеда бунёд этилган янги қароргоҳида мезбон мамлакат ҳамда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви бўлди. Унда икки ва кўп томонлама муносабатлар, минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама қилинди.

Таъкидламоқ жоизки, Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти негизида янгича шаклда ташкил этилган "Марказий Осиё ҳамкорлиги" демократик тузилмадир. Президент Ислом Каримов таъбири билан айтганда, у аъзо давлатлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойилларига таянган ҳолда кенг кўламли мулоқотлар ўтказиш, умумий муаммоларга келишув ва маслаҳатлар орқали умумий ечим топиш имконини яратди. Илгари Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти фаолияти фақат иқтисодиётга оид масалалар билан чекланган бўлса, унинг заминида тузилган янги ташкилот олдига барча соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш мақсади қўйилган. Шу боис Душанбе саммитида кўп ва хилма-хил масалалар муҳокама этилди.

Аввало минтақамиз мамлакатларини бефарқ қолдирмайдиган Афғонистонда ҳали ечимини топмаган кўплаб муаммолар мавжуд. Ислом Каримов таъкидлаганидек, Афғонистонда террор ўчоқлари яксон қилинди, лекин мамлакатда ҳамон наркотик моддалар муаммоси бартараф этилгани йўқ. Бундан ташқари, ҳали Афғонистонни қуролсизлантириш, марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш, маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда миллий армияни шакллантириш борасида кўп иш қилиниши керак.

Албатта, аксилтеррор операциясининг самараси ўлароқ Афғонистон тинч ҳаётга қадам қўя бошлади. Лекин мамлакат четдан келадиган ёрдамсиз оёққа туриб кета олмайди. Айни пайтда эса Афғонистонга ёрдам кўрсатиш борасида Марказий Осиё мамлакатларининг ҳар бири алоҳида-алоҳида иш тутаётганини кузатиш мумкин. Президент Ислом Каримов қўшни юртга кўмаклашишда саъй-ҳаракатларни ўзаро мувофиқлаштириш таклифини илгари сурди.

Гап шундаки, Токио конференциясида донор давлатлар Афғонистонга катта миқдорда иқтисодий ва молиявий ёрдам кўрсатишга қарор қилган эди. Кўмаклашишни зиммасига олган мамлакатлар вакиллари аввал Президент Ҳомид Карзай билан келишиб, турли йўналишлар бўйича алоҳида дастурлар тузади. Шундан кейин пудратчига мурожаат қилади. Афғон заминига кириб борадиган асосий сармоя ва ёрдам эса Марказий Осиё минтақасидан ўтиши табиий. Минтақамизда қурилиш, қишлоқ хўжалиги, коммуникация, энергетика, хуллас, барча соҳалар бўйича улкан салоҳият мавжуд. Демак, Афғонистондаги лойиҳаларни келишилган ҳолда биргаликда амалга ошириш мумкин.

Хусусан, Ҳомид Карзай Ўзбекистон Президентига мактуб йўллаб, Афғонистондаги ўнта кўприкни тиклашда ёрдам сўраган. Ваҳоланки, қўшни ўлкада бажарилиши керак бўлган бундай ишлар анчагина. Уларни амалга ошириш ҳам Афғонистонга, ҳам минтақамиз мамлакатларига фойда келтиради. Президентимизнинг мазкур таклифи бир овоздан қўллаб-қувватланди ва саммитнинг якуний ҳужжатига алоҳида банд сифатида киритилди.

Бевосита иқтисодий соҳага келсак, президентлар интеграция жараёнларига тўсиқ бўлаётган омиллар хусусида суҳбатлашди. Келишувга биноан ҳукуматларга бу борадаги муаммоларни теран таҳлил этиш ва амалий ечим топиш вазифаси топширилди. Жумладан, савдо-сотиқни ривожлантириш учун божхона, чегара, солиқ каби соҳаларга оид масалалар кўриб чиқилиб, уларни ўзаро мувофиқлаштирувчи қарорлар чиқарилади.

"Марказий Осиё ҳамкорлиги" демократик тузилма, дедик. Ислом Каримов ташкилотнинг нуфузи ва самарадорлигини ошириш учун минтақавий ҳамжамият доирасида қабул қилинган ҳужжатларни танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқиш ва иш бермаётганларини бекор этиш таклифини илгари сурди. Маълумотларга кўра, шу чоққача Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти ва унинг меросхўри бўлмиш "Марказий Осиё ҳамкорлиги" доирасида жами 243 ҳужжат имзоланган. Саммит қатнашчилари уларнинг ҳаммасини қайта кўриб чиқишга келишди.

Ҳукумат қароргоҳида президентларнинг учрашуви кенгайтирилган тартибда давом этди. Унда иқтисодий интеграция, транспорт коммуникациялари, ижтимоий, маданий алоқаларга доир масалалар муҳокама қилинди. Келишувга биноан, ноябрь ойида Ўзбекистон пойтахтида минтақа миқёсидаги бизнес-форум ўтказилади. Йил охиригача эса яна Тошкентда ташкилотга аъзо мамлакатлар парламентлари вакилларининг йиғилиши ўтказиладиган бўлди.

Таъкидламоқ жоизки, "Марказий Осиё ҳамкорлиги"нинг самарадор ташкилот эканлигига ана шу икки анжумандан ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бизнес-форум ишбилармонларнинг янгича руҳда, очиқча мулоқот қилишига имконият яратса, парламентлар вакилларининг учрашуви ташкилот ҳуқуқий базасини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлади. Бир мисол, Ўзбекистон билан Қозоғистон яқинда давлат чегараларининг делимитацияси тўғрисида якуний ҳужжат қабул қилди. Музокараларда яқин кунларда бу ҳужжат икки мамлакат парламентлари томонидан ратификация қилиниши таъкидланди.



Мамлакатимиз раҳбари минтақа давлатларининг барчасида ўзаро чегараларни делимитация қилиш тўғрисидаги таклифини илгари сурганида, саммит қатнашчилари уни якдиллик билан қўллаб-қувватлади. Замонавий муносабатлар замон талабларига мос бўлмоғи керак. Давлатнинг мустақиллик рамзларидан бири чегарадир. Демак, ўзаро муносабатларда ана шу жиҳатга ҳам эътибор бериш керак. Бир-бирининг суверенитетини ҳурмат қилган мамлакатларгина том маънодаги манфаатли ҳамкорлик ўрнатиши мумкин.

Саммит давомида президентлар ҳукуматларга сув-энергетика консорциумини тузиш тўғрисидаги ҳужжатни ишлаб чиқиш топшириғини беришга келишиб олди. Таъкидлаш жоизки, сув танқислиги минтақада талай муаммолар келтириб чиқармоқда. Консорциум ташкил этилиши билан нафақат сув, балки энергетика, ёқилғи билан боғлиқ масалалар ҳам ечим топади.

Транспорт ва озиқ овқат консорциумларини ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Транспорт коммуникациялари — интеграциянинг асосий унсур ва усулларидан бири. Бу билан божхона, чегара муаммолари барҳам топади. Озиқ-овқат консорциуми тузилиши ҳам талай соҳадаги қийинчиликларга ечим топиш имконини бериши мумкин.

Музокаралар якунида президентларнинг Қўшма коммюникеси имзоланди. Ислом Каримов ва Имомали Раҳмонов Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида давлат чегараларининг демилитацияси тўғрисидаги ҳужжатга ҳам имзо чекди.

6 октябрь куни Тожикистон Президентининг шаҳар ташқарисидаги қароргоҳида Орол муаммосига бағишланган саммит бўлиб ўтди. Унда президентлар Оролбўйидаги экологик ва иқтисодий-ижтимоий инқирозни бартараф этишга қаратилган масалаларни муҳокама қилди, Халқаро Оролни қутқариш жамғармаси фаолиятини таҳлил этди.

Келишувга биноан, ҳукуматларга 2003-2010 йилларга мўлжалланган амалий ҳаракатлар дастури ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Маълумки, минтақа мамлакатларининг ташаббуси билан 2003 йил БМТ томонидан Жаҳон чучук сув йили деб эълон қилинган. Келаси йил Халқаро Оролни қутқариш жамғармаси тузилганига ўн йил тўлади. Шу муносабат билан 2003 йилнинг сентябрида Душанбеда Орол масалаларига бағишланган халқаро конференция ўтказиладиган бўлди.

Таъкидламоқ жоизки, мамлакатларимизнинг қўшма саъй-ҳаракатлари ўлароқ, сўнгги йилларда Орол муаммосига жаҳон ҳамжамиятининг эътибори кучайди. Бу денгизнинг ҳалокати минтақавий эмас, дунёвий муаммо эканлиги хорижда янада кенгроқ эътироф этила бошланди. Айниқса, Ислом Каримов таъкидлаганидек, бу йил Европада ёзги мавсум жуда серёғин келиб, анча муаммо туғдиргани "кўҳна дунё" мамлакатларини Орол муаммосига янада жиддий ёндашишга мажбур этган бўлса, ажаб эмас. Саммитда президентлар дунё, хусусан, Европа иқлимидаги кескин ўзгаришларда Орол ҳалокатининг "улуши" қанчалигини таҳлил қилиб кўриш лозимлигини таъкидлади.

Учрашувда халқаро жамғарма ижроия қўмитасининг ташкилий фаолиятини таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Жамғарма самарадорлигини ошириш учун унга муқим қароргоҳ ажратиб беришга келишиб олинди.

Шунингдек, президентлар Душанбе декларациясини имзолади. Ҳужжатда Оролбўйидаги вазиятдан ташвиш билдирилиб, уни ўнглаш нафақат минтақа мамлакатлари, балки бутун дунё халқлари манфаатига мослиги таъкидланади.

Шундай қилиб, Душанбеда Марказий Осиё президентлари икки тузилма фаолиятини ривожлантириш юзасидан бафуржа фикр алмашиб, фойдали қарорлар қабул қилди. Тожикистон пойтахти аҳли меҳмонларни мудом олқишлаб турди. Душанбе кўчаларида самимият билан йўғрилган жуда кўплаб шиорлар осилган эди. Уларнинг бири алоҳида диққатга сазоворлиги билан ёдимизда қолди — "Ҳамкорлик ва ўзаро англашув — умумий муаммоларни ечишнинг ягона йўли".

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири,**
**Тошкент-Душанбе-Тошкент.**

**СУРАТДА:** ташриф пайтидан лавҳа.
**Абдувоҳид ТЎРАЕВ** олган сурат.




*Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ўзининг ўн йиллик тўйини нишонлади. Шу муносабат билан Президент Ислом Каримов университет жамоасига табрик мактуби йўллади.*

* * *

*2002 йил 2 октябрда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Ахборотномаси бош муҳаррири тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Конституциявий суд Ахборотномасининг бош муҳаррири этиб Конституция суд раиси Бўритош Мустафоев тасдиқланди.*

* * *

*Сурхондарё вилоят ҳокимлигида пахта йиғимтеримининг боришига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.*

* * *

*Вазирлар Маҳкамасининг "Стандартлаш, метрология ва маҳсулотлар ҳамда хизматларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.*

* * *

*Тошкент педиатрия институти клиникасида Жанубий Кореянинг Ёнгсен университети профессори Пак ўзининг махсус гуруҳи билан болаларни пластик жарроҳлик йўли билан бепул даволашни йўлга қўйди.*

* * *

*Самарқанд шаҳрида фаолият кўрсатаётган мактабдан ташқари ўқув муассасаларида «очиқ эшиклар куни» ўтказилди.*

* * *

*Қишлоқ ва сув хўжалик вазирлигида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.*

Yangi qonunlar

## ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИ ҚАДАМ

Олий Мажлиснинг II-чақириқ 9-сессиясида «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонуннинг асосий мақсади қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Содда қилиб айтадиган бўлсак, қонун қон топшириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади. Қонунда қандай шахслар донор бўла олиши, уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, қон топшириш жараёни, қон топшириш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар қандай амалга оширилиши аниқ белгилаб қўйилган. Ушбу қонун қон топширишнинг ихтиёрийлиги, шахснинг соғлиғи учун беғаразлиги ва топширилган қоннинг ишлатиш хавфсизлиги каби тамойилларга асосланади. Унга биноан қон ва унинг таркибий қисмларини топшириш 18 ёшга тўлган шахслар томонидан бепул ва пулли тарзда амалга оширилиши кўзда тутилган. Олинган қон ва унинг таркибий қисмларини сақлаш учун махсус донор қони банки ташкил этилади. Бу борадаги ишларни қон билан ишлаш хизмати бўйича ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари амалга оширади. Давлат соғлиқни сақлаш тизимидаги бу муассасанинг асосий вазифаси донор қонини тўплаш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш, аҳолини қон ва унинг таркибий қисмларини топширишга ихтиёрий жалб этиш, қон топширишда хавфсизликни таъминлаш ва ўзига юклатилган бошқа вазифалардан иборатдир. Муассасага бу вазифаларни бажаришда маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўзларига берилган ваколатлар доирасида ёрдам беради.

Қонунга биноан қон топшираётган шахс қуйидаги ҳуқуқларга эга, яъни соғлиғининг сақланиши тиббиёт ходимлари томонидан кафолатланиши, соғлигига етказилган зарарнинг ўрни қопланиши, бепул овқат билан таъминланиши, қон топширадиган ва тиббий кўрикдан ўтадиган куни ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод этилиши ва қонунга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин. Ўз навбатида, донор бўлишга розилик билдирган шахс тиббий кўрикдан ўтиш пайтида ўзи бошидан кечирган касалликлар тўғрисидаги маълумотларни маълум қилиши шарт.

Мунтазам равишда ва бепул қон топширувчи донор "Ўзбекистон Республикаси фахрий донори" кўкрак нишони билан тақдирланади.

Қон билан ишлаш хизматининг қон билан алоқада бўлувчи тиббиёт ходимларига қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли имтиёзлар берилади. Донор қонини ёки унинг препаратларини мамлакатимиз ҳудудига олиб кириш ва олиб чиқиш Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, ушбу қонун инсон саломатлиги йўлидаги амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самараси ўлароқ жамият тараққиётига хизмат қилишига шубҳа йўқ. У қонунчиликдаги янги қадам ҳисобланиши баробарида инсонийлик тамойилларини ўзида акс эттиргани билан ҳам аҳамиятлидир.

**З. ОМОНОВ,**
**ҳуқуқшунос**

## "ИНСОН ва ҚОНУН"га ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

**Вилоят прокуратураси томонидан "Инсон ва қонун" газетасида чоп этилган "Ўзибўларчилик" сарлавҳали мақола ўрганиб чиқилди. "Озод" фермер хўжалиги чорва молларини етиштиришга ихтисослаштирилгани, хўжаликда 117 бош сигир (шундан 26 боши соғин сигирлар) борлиги, чорва молларини ем-хашак билан таъминлаш мақсадида фермер хўжалиги ва тумандаги Х.Мўминов номидаги ширкат хўжалиги ўртасида 2001 йил 25 октябр куни 12 гектар сувли ерни 1 йилга ижарага бериш ҳақида шартнома тузилгани ва бу билан "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг 10-моддасида белгиланган ер бериш ҳақидаги шартномалар муддати 50 йилгача ва ўн йилдан кам бўлмаслиги ҳақидаги талаблари бузилгани аниқланган.**

**Шунингдек, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддасига асосан чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжалиги камида 30 бош чорва моллари бўлган тақдирда ташкил этилиши, ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами бир шартли бош молга ҳисобланганида суғориладиган ерларда камида 0,3 гектар, суғорилмайдиган ерларда эса камида 2 гектарни ташкил этиши белгилаб қўйилган бўлса-да, "Озод" фермер хўжалиги чорва молларига етарли ер майдонлари ажратилмагани аниқланиб, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва мазкур хўжаликка қонун бўйича ажратилиши лозим бўлган ер майдони ажратиш масаласини ҳал қилиш ва ушбу масалага масъул бўлган ҳамда қонунбузилишларга йўл қўйган шахсларга нисбатан интизомий чоралар кўриш ҳақида туман ҳокимига тақдимнома киритилган.**

**А. АЗИЗОВ,**
**Самарқанд вилоят прокурори ўринбосари**

* * *

**Газетанинг 2002 йил 27 август сонида чоп этилган "Қизариш" сарлавҳали мақола Хоразм вилоят Давлат мулкини бошқариш бошқармаси томонидан ўрганиб чиқилди.**

**Ҳақиқатан ҳам, мақолада акциядорлик жамиятлари фаолиятида учрайдиган долзарб масала кўтарилган. Шу билан бирга мақолада ёритилган айрим далиллар бўйича бошқармамиз вилоят прокуратурасига ўз фикрини билдирган. Жумладан, акциядорларга ер майдони сотилмаганлиги ва мулклар "кимошди" савдоси орқали харид қилиб олинганлиги тўғрисида хабар берилган.**

**Бундан ташқари, хўжаликнинг яширилган мулклари бўйича комиссия тузилди ва "Ризқ" очиқ акциядорлик жамияти Низом жамғармасига киритилмай қолдирилган мулклар тўғрисида тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилган ва ҳозирда ушбу мулклар баҳоси аниқланмоқда.**

**Мазкур ишларнинг натижалари бўйича таҳририятга қўшимча маълумот берилади.**

**Р. ХУДОЙБЕРГАНОВ,**
**Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари**

## АНДИЖОН

Adliya tizimi

**Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида вилоят туман ва шаҳар ФҲДЁ бўлимлари томонидан 36.374 та туғилиш, 8,948 та никоҳ, 353 та никоҳни бекор қилиш, 8.805 та ўлим, 4.509 та оталикни белгилаш, 197 та фарзандликка олиш, 167 та насаб, исм ва ота исмини алмаштириш, 47 та далолатнома ёзувларини тиклаш ҳамда 834 та далолатнома ёзувларига ўзгартириш, тузатиш, қўшимча қилиш ҳаракатлари бажарилган.**

**Фуқаролардан бажарилган ишлар учун давлат фойдасига 14.709.801 сўм давлат божи, 16.174.821 сўм герб йиғими ундирилди ва уларга 10.778.389 сўмлик пуллик ҳуқуқий хизмат кўрсатилди.**

**Вилоятда ўтган тўққиз ой давомида ёшни қисқартириб никоҳдан ўтиш ҳолати учрамаган. Умуман олганда, жами бажарилган ҳаракатлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2.592 та кўп бўлиб, давлат божи 4.342.038 сўм, герб йиғими учун 3.656.168 сўм кўп ундирилди ва аҳолига 5.170.186 сўмлик пуллик ҳуқуқий хизматлар кўрсатилди.**

**Шу йилнинг ўтган тўққиз ойи давосида вилоят давлат нотариал идоралари томонидан жами 52.190 та нотариал ҳаракатлар бажарилиб, давлат фойдасига 315.166.187 сўм давлат божи ундирилди. Шундан 63.701.350 сўм адлия бошқармасининг 20 фоизлик махсус ҳисоб рақамига туширилиб, аҳолига 5.062.786 сўмлик пуллик хизмат кўрсатилган. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар томонидан эса 21.826 та нотариал ҳаракат бажарилиб, тариф бўйича 189.520.892 сўм ундирилди.**

Huquqiy sharh

## ХЎЖАЛИК ШАРТНОМАСИ НИМА?

ИККИНЧИ МАҚОЛА

Ҳозирги кунда мамлакатимизда тузилаётган шартномаларнинг қонун ҳужжатлари талабларига жавоб беришини таъминлаш мақсадида Адлия вазирлиги тақдим этилган бир қатор шартномаларнинг намунавий шаклларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш борасида ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Буларнинг аксариятини тайёрлов ташкилотлари ва моддий-техника ресурслари етказиб берувчилар билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб берувчилар ўртасида тузиладиган шартномалар ташкил этади. Аслида тарафлар хўжалик шартномалари тузишда тегишли турдаги шартномалар учун ишлаб чиқилган ҳамда ҳуқуқий экспертизадан белгиланган тартибда ўтказилганидан кейин эълон қилинган намунавий шартнома шартларига (шаклларига) амал қилишлари мумкин. Бироқ ҳар қандай шартнома Фуқаролик Кодекси ва **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"**ги Қонун талабларига мос ҳолда тузилиши унинг кириш қисмида аввало шартноманинг қандай номланиши кўрсатиб ўтилиши шарт. Бошқача айтганда, шартноманинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб бериш (контрактация), олди-сотди, воситачилик хизматлари кўрсатиш, ижара ва бошқа турда эканлиги аниқ ёзилиши лозим.

Шартноманинг номи у билан танишувчига унда қандай ҳуқуқий муносабатлар ҳақида сўз бораётганлигини хусусида аниқ тушунча беришга хизмат қилади.

**Иккинчидан,** шартнома тузилиш санасининг кўрсатиб ўтилишига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Буни таъкидлашдан мақсад шуки, Адлия вазирлигининг масъул ходимларидан иборат махсус гуруҳ томонидан вилоятларда ўтказилган ўрганишлар жараёнида кўпчилик ҳолатларда тарафлар хўжалик шартномаларини тузишда унинг тузилган вақтини кўрсатишмаганлик ҳолатлари аниқланган. Ваҳоланки, шартномада қонун ҳужжатлари талабларига кўра, шартнома тузилган йил, ой ва кун албатта кўрсатилиши лозим. Хўжалик шартномасини тузишга қўйиладиган бу талаб шунинг учун ҳам ўринлики, **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"**ги Қонуннинг 13-моддасида **"Хўжалик шартномаси тузилган пайтидан бошлаб кучга киради ва тарафлар учун мажбурий бўлиб қолади. Тарафлар ўзлари тузган хўжалик шартномасининг шартларини уларнинг шартнома тузилишидан олдин вужудга келган муносабатларига нисбатан қўлланилади деб белгилаб қуйишга ҳақлидир"** дея қайд этилган.

Тарафлар бир-биридан олис масофада жойлашгани каби кўплаб объектив ва субъектив сабабларга кўра, айрим ҳолларда шартномани тарафлар бир вақтда имзолай олмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда шартномага охирги томон имзо қўйган кун шартнома имзоланган вақт ҳисобланади.

**Учинчидан,** шартнома тузилган жой (давлат, вилоят,туман, шаҳар) шартномада кўрсатилиши керак.

Хўжалик шартномаси тузилган жойни шартномага киритиш шунинг учун ҳам керакки, айрим ҳолларда шартноманинг тузилган жойи турлича бўлган вақтларда ундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар ҳам турлича бўлиши мумкин. Шартномани тузаётган шахслар бошқа-бошқа давлатлардаги хўжалик юритувчи субъектлар бўлишганида бу, айниқса, катта аҳамиятга эга. Сабаби — шартноманинг ўзида бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, шартнома муносабатлари юзасидан келиб чиқадиган низолар шартнома тузилган давлатнинг қонунчилигидан келиб чиққан ҳолда ҳал этилади.

Булардан ташқари, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуннинг 10-моддасида контрактация шартномалари қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи жойлашган ерда тузилади деб белгиланган. Шу сабабли шартномада тузилган жой номи кўрсатилмаса, қонун бузилишига йўл қўйилган бўлади.

**Тўртинчидан,** тарафлар номларининг тўлиқ кўрсатилиши ҳам муҳим қоидалардан саналади. Бунда хўжалик юритувчи субъектнинг давлат реестри рўйхати бўйича ўтган тўлиқ номи кўрсатилиши лозим. Шунингдек, шартнома тарафларининг вазифаларига кўра қандай номланишига ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур ("маҳсулот етказиб берувчи", "тайёрловчи" ва бошқа).

***(Давоми иккинчи бетда.)***

Xabar

## ВИЖДОНИНИ УНУТГАНЛАР

Мамлакатимизда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан мансабдор шахсларнинг ўз ваколатларини суиистеъмол қилиш ва порахўрлик каби иллатларга қарши кескин кураш олиб борилаяпти. Хусусан, шу йилнинг 26 сентябр куни Тошкент шаҳар прокуратураси ҳамда ички ишлар идоралари ходимлари томонидан ўтказилган тадбирлар натижасида Тошкент шаҳар ҳокимияти биноларидан фойдаланиш департаментининг Яккасарой туман бўлими бошлиғи Зокир Очилов дўкон учун ижарага бино бериш ва кейинчалик хусусийлаштириш эвазига тадбиркор Е. Гусевадан 7200 АҚШ доллари, Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Шуҳрат Тўхтаев туман ҳудудида хусусий фирма ташкил қилиш ва рўйхатга олиш эвазига фуқаро А. Исмоиловдан 100 АҚШ доллари ва 25.000 сўм, ёнғинга қарши кураш республика жамияти кенгаши раиси Зулпухар Арипбаев шу жамият раисининг ўринбосари лавозимига ишга қабул қилиш эвазига фуқаро Ж. Мадазовдан 2000 АҚШ долларини пора тариқасида олган пайтда ашёвий далиллар билан қўлга олинди. Ҳозирда ушбу ҳолатлар юзасидан Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Матбуот Маркази**

Mulohaza uchun mavzu

# ЯШАШ УЧУН КЕЧИКМАНГ!

Инсон дунёга нима учун келади? Унинг умргузаронлик қилишдан кўзлаган мақсад-муддаоси нима? Бебаҳо умрнинг қадр-қиммати нима билан ўлчанади, деган саволларга закий зотлар азал-азалдан жавоб излаб келган. Инсон умри ўзига жуда узун кўринса-да, аслида у абадий вақт қаршисида киприк қоққулик фурсатга ҳам тенг эмас. Одамзод боласи яралгандан бошлаб туғилиш ва ўлим оралиғидаги ана шу фурсат хусусида бош қотириб, бунинг ҳақиқий маъно-моҳиятини англашга интилган. Лекин бундан ҳар доим ҳам тўғри хулоса чиқарган, дейиш мушкул. Агар ўтмиш тарихга назар ташласак, мутафаккир ва донишманд зотлар берилган қисқа умрнинг ҳар бир лаҳзасидан оқилона фойдаланиш, улуғ ва савобли ишларга сарфлаш, ҳеч қачон ҳавойи ва бемаъни амалларга исроф қилмасликни ўзи учун қатъий тартиб-интизомга айлантирганини кўрамиз. Бироқ инсон табиати ва дунёқараши ҳар хил бўлганлиги учун бу ўлчов ва меъёр бошқаларни қониқтирмаслиги мумкин. Шунинг учун бу ҳақда гап кетганда, ҳар бир киши ўзининг дунёқараши, ақл-фаросатидан келиб чиқиб, жавоб беради. Ҳаётда турфа хил табиатли кишилар учрайди. Кимдир умр мазмунини еб-ичиш, кийинишда кўрса, бошқа биров ҳаётдан кайф-сафо, завқ-шавқ олишни ўзига бирдан-бир мақсад деб билади. Шундай кишилар ҳам борки, одамларга яхшилик қилиш ва яхши ном қолдириш мақсадида ҳаёт кечиради ва бир умр шунга қатъий риоя қилишга интилади. Бошқача айтганда, доимо ҳалолликни ўзига касб қилиб олади. Хуллас, инсон ақл-фаросат билан ҳаётда ўзига бир мақсадни кўндаланг қўйиб, уни рўёбга чиқариш ниятида кечаю-кундуз тиниб-тинчимайди. Немис файласуфи Ҳенрих Ҳейни **"Иш билан машғул бўлмаган одам ҳеч қачон чинакам бахтга эришолмайди, ишёқмаснинг қиёфасида сиз доимо норозилик ва лоқайдлик аломатини кўрасиз"**, деган экан.

Табиийки, инсонга жуда оз умр берилган. Шуни ҳам кимдир ўзига ёки бошқаларга қайсидир маънода манфаат етказадиган амаллар билан безамас экан, ҳали уни етук ва баркамол инсон дейишга тил бормайди. Бир танишим ўғлини доим тергаб, деярли ҳар кечкурун нима қилганигача сўраб-суриштирар экан. Буни менга айтиб берганда, унга болани ўз ҳолига қўйган яхши эмасми, у безиб қолиши мумкин-ку, дея ўз фикримни айтдим. У эса болани ёшлигидан тартиб билан ишлашга ўргатилмаса, ёши улғайганда пала-партиш иш қиладиган бўлиб қолади, деди. Ўйлаб кўрилса, унинг гапида ҳам жон бор. Бир файласуф "Вақтни бой бериш ўз-ўзини қатл қилиш билан баробар", деганда вақтни қадрлаш, уни бекордан-бекор бефойда ишларга совурмасликни назарда тутган. Илгари замонларда ўтган аждодларимиз ҳаётини кузатганда тирикликнинг ҳар бир дақиқасини қадрлаш ва ундан унумли фойдаланишга ҳаракат қилиб яшаганларини билиб олиш мумкин. Жумладан, Абу Райҳон Беруний, Имом Бухорий, Абу Али ибн Сино ва Алишер Навоийлар яратган илмий-бадиий кашфиётлар ақлни лол қолдиради. Албатта, бунга эришиш ўз-ўзидан амалга ошмаган. Бугунги кунда ўша замонда яратилган илмий-бадиий асарларни ҳатто ўқиб ўрганишга ҳам бир инсон умри камлик қилиши кишини ҳайратлантиради, холос. Бунга бирдан-бир сабаб нима деган саволга ҳар ким турлича жавоб бериши мумкин. Энг аввало, ул зотлар инсонга оз умр берилгани ва унинг ҳар бир лаҳзаси олтинга баробар эканини теран ҳис этганлар ва бунга ҳеч қачон лоқайд қарамаганлар.

Мутахассис олимлар инсон миясини текшириб кўрганда, одамзот унинг жуда кам қисмидан фойдаланиб, кўп қисмидан умуман фойдаланмасдан дунёдан ўтиб кетишини аниқлашган экан. Демак, инсонда ички-ботиний ақл қуввати мавжуд бўлиб, буни ҳаётга кўпроқ тадбиқ қилиш учун фақат ҳаракат, интилиш ва изланиш орқали кўзланган мақсадига эришар экан. Айниқса, кейинги пайтларда баъзи бир ёшлар табиати ва хулқ-атворига енгил ҳаёт кечиришга интилиш, кайф-сафога ружу қўйиш, ялқовлик, дангасалик ва ҳафсаласизлик сингари иллатлар кўзга ташланмоқдаки, бу кишини ўйлантиради. Бир файласуф ёзувчи "Карта ўйини ақлий инқирознинг яққол нишонасидир. Одамлар фикр алмашишга қурблари етмаса, карта ўйнашади", деганда умрни бекорчилик билан ўтказишнинг асосий сабабини кўрсатиб берган. Ҳолбуки, ақл ва тафаккур эгалари шу қисқа умр унга шунчаки берилмаганини ва буни бирон фойдали ишга сарфламасдан яшашни тасаввур ҳам қиломаганлар. Чунки улар ҳар кун, ҳар соат ва ҳар дақиқа сайин умр биносидан бир ғишт кўчиб тушаётгани ва тириклик қуёши тобора йўқлик уфқига оғиб бораётганини чуқур ҳис этганлар. Шунинг учун ҳам ҳаётдан нолиб, ҳеч нарса қилолмасдан юрибман, вақтим етмаяпти деган кишини учратганда бунга сабаб ўзининг ялқов ва дангасалиги эканини билиш қийин эмас. У келтирган далил ва баҳоналарнинг ҳеч бири ўзини оқламайди. Инсон бир мақсад сари интилса, албатта, унга имконият топиши аниқ. Энг ёмони, бемақсад яшаш ва ҳавойи ҳаёт кечириш ўзига ўзи жиноят қилиш билан баробар эканини тўғри англаб олмоғи керак. Ҳозирги замонда инсон ҳаёт кечириши учун жуда кўп қулайлик ва имкониятлар пайдо бўлди. Айниқса, ёшлар ўз билим ва қобилиятларини юзага чиқариш, замонавий касб-ҳунарларни эгаллашлари учун барча имконият ҳамда шарт-шароитлар яратилган. Кўпгина ёшлар ана шу имконият ва шарт-шароитдан оқилона фойдаланиб, дунёнинг ҳавасини келтирмоқда.

Аммо улар орасида шундай имкониятларни қўлдан чиқармаслик ўрнига тунги қаҳвахона ва билярдхоналарда ўйин-кулгу ва кайф-сафо қилиб, енгил ҳаёт ва маишатга муккасидан кетиб умрининг энг қимматли дамларини бой бераётганини кўрганда ачинмасдан бошқа чора топмайсиз. Зеро, ёшлар ҳаёт ва умр ўзига инъом ва неъмат эканини тушунмайди ёки тушунишни истамайди. Бундан кўра, ҳеч бўлмаса, бирон бир касб-кор ёки ҳунарнинг бошини тутса, бир куни ўзига фойдаси тегиб қолиши мумкин-ку. Шу боис умрнинг ҳар бир лаҳзаси ғанимат. Инсон учун энг катта бахт ғафлат уйқусидан уйғониб, ўзининг ким эканини ва қўлидан нималар келишини тўғри англаб олмоғи ва шунга интилиб яшашдан иборат. Бунинг маъносини англаган инсонларни бу дунёда энг бахтли инсон дейишга ҳар томонлама ҳақлидирлар.

**Бобомурод ЭРАЛИЕВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**



Болалик ҳайрати

УШБУ СОНДАГИ СУРАТЛАР МУАЛЛИФИ АБДУҒАНИ ЖУМАЕВ

Taqdir tarixi

# GEORGE WASHINGTON:

## БИРИНЧИЛИК ҚИСМАТИ




**Кишилик тарихида шундай инсонлар учрайдики, улар ўз тақдирлари билан тарих яратишган. Уларнинг ҳаёти, фаолияти ва ўзига хос фазилатлари кўпчиликни қизиқтириши шубҳасиз. Шуни ҳисобга олиб, таҳририят янги рукн очишга қарор қилди. Унда машҳур кишилар ҳаёти ва фаолиятига оид туркум мақолалар чоп этиб борамиз.**

**Қуйида Америка Қўшма Штатларининг биринчи президенти Жорж Вашингтон ҳақидаги дастлабки мақола билан танишасиз.**

АҚШнинг Вержиния штатида истиқомат қилган Вашингтонлар оиласи асосан деҳқончилик орқасидан рўзғор тебратган. Оила бошлиғи Августин Вашингтоннинг (Жоржнинг отаси) ҳаёти жуда қийин кечган. Биринчи хотинидан бевақт айрилганидан сўнг Августиннинг аҳволи янада ёмонлашади. Шунга қарамасдан Августин Бетти, Жанн, Чарлесс исмли ўғилларига ҳам оналик, ҳам оталик қилишга ҳаракат қилди. Орадан маълум вақт ўтгач, Августин Вашингтон Марри Болл исмли аёлни учратиб қолади ва у билан ҳаётини боғлайди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас, яъни 1732 йилнинг 22 февралида Вержиния штатида яшовчи Вашингтонлар оиласида ўғил фарзанд дунёга келади. Августин ва Мерри боласига Жорж деб исм қўйишганида, бу гўдак бир кун келиб ўзидан ўчмас из қолдирадиган шахсга айланишини хаёлларига ҳам келтирмаган эди. Жорж ёшлигидан меҳнатсевар, тиришқоқ, ҳамма нарсанинг қадрига етадиган инсон бўлиб вояга ета бошлайди. Бу пайтда Америкада аҳолининг кўпчилик қисми саводсиз бўлиб, мамлакатнинг ташқи дунё билан алоқаси деярли узилиб қолган ва бунинг устига фуқаролар ўртасида қонли тўқнашувлар авж олган эди. Августин ўғлини 6 ёшдан бошлаб мактабга қўяди. Жоржнинг мактабда энг яхши кўрган фани математика бўлган. Адабиёт, тарих, чет тили каби фанларни эса унчалик хуш кўрмасди. Жорж бўш вақтида рақсга тушиш, ов қилиш ва қайиқда сузишни ёқтирган. Шу тариқа 15 ёшли Жорж Вашингтон ўрта мактабни тамомлади. Отаси Августин "ўғлим мактабни тамомласа, Англияга ўқишга юбораман" деб ният қилиб юрган эди. Аммо кутилмаганда Жорж отасидан ажралиб қолди. Шундан сўнг оиладаги барча ташвиш ва отасининг деҳқончилик ишларини давом эттириш 15 ёшли Жоржнинг зиммасига тушди.

Ана шу вақтдан бошлаб Жорж Вашингтоннинг ҳаётида туб ўзгаришлар юз бера бошлади. Тез орада Жорж армия хизматига чақиртирилади ва ўша йили (1751 йил) лейтенант унвонига ҳам сазовор бўлади. Буни қарангки, 22 ёшли Жорж халқ орасида уддабурон фермер, тадбиркор ва ҳақиқий ҳарбий инсон сифатида обрў-эътибор қозонди. Жорж йигирма олти ёшида, яъни 1759 йилнинг 6 январида ўзидан 6 ойлик катта Марта исмли бева аёлга уйланади. Афсуски, Марта Жоржга фарзанд туғиб бера олмайди.

Жорж Вашингтоннинг сиёсий фаолияти ва ном қозониши ўша даврнинг машҳур кишилари, хусусан, Томас Жефферсон, Патрик Хенри, Ҳамилтонлар билан боғлиқ. Шуниси аҳамиятлики, Жорж АҚШ Конституциясининг ишлаб чиқилишида бевосита раҳбарлик қилиб, мамлакатда биринчи бўлиб президентлик давлат бошқарувини жорий этди. Президентликка номзод сифатида икки киши кўрсатилди. Улардан бири Жорж Вашингтон бўлса, иккинчиси Жонн Адамс эди.

Ниҳоят, 1789 йилнинг феврал ойида мамлакатда биринчи марта президентлик сайлови ўтказилди. Сайлов натижаси ўлароқ Жорж Вашингтон 69 сайловчидан 69 овоз олиб президентликка, Жонн Адамс эса 34 овоз билан вице-президентликка сайланди. Жоржнинг президентлик фаолияти давомида мамлакатда аста-секин барқарорлик ўрнатилиб, қулликни, инсон қадр-қимматини пастга урадиган турли хил ҳаракатларга барҳам берилди. Жорж Вашингтон "Қачонки аҳолини саводли, билимли, бир сўз билан айтганда, маърифатли қилсакгина, ривожланиш бўлади", деган шиорни ўртага ташлади ва уни давлат сиёсатининг асосий йўналишига айлантирди.

Жорж Вашингтоннинг халқпарварлиги шунда эдики, у ҳар куни ўз хонасида юзлаб одамларни қабул қиларди. Шу сабабли ўша давр одамлари уни "миллатнинг ишончли отаси" деб аташарди.

1799 йилнинг 14 декабр куни қишнинг совуқ кунларида Жорж қаттиқ шамоллади. Шу куни кечаси хотини Мартани уйғотиб нимадир демоқчи бўлди-ю, аммо...

Умрининг тобора оз қолаётганини сезган Жорж врач чақиришга ҳам рухсат бермади. Эртаси куни атрофидаги кишиларга "Мен ҳақимда қайғурманг. Фақатгина бу дунёдан тинчгина кўз юмсам, бас", дея 67 ёшида боқий дунёга рихлат қилди.

Америка халқи содиқ фарзандининг фидокорона меҳнатларини муносиб баҳолади. Америка Қўшма Штатларининг пойтахти унинг номи билан атала бошланди. Бугунги кунда пойтахт Вашингтонда Жорж Вашингтон ва унинг оиласи ҳаётини эслатиб турувчи мажмуа барпо этилган.

Хўш, нима учун Америка халқи Жорж Вашингтонни бу қадар ҳурмат қилиб, иззат-икром кўрсатади?

Бунинг сабаби қуйидагича: биринчидан, **Жорж Вашингтон мамлакатни ўз вақтида таназзул ҳолатидан олиб чиқиб, мустақиллик сари етаклаган биринчи давлат арбоби ҳисобланади.** Иккинчидан, **Вашингтон давлат бошқарувининг Президентлик институтини жорий этди.** Учинчидан, **Вашингтон мамлакатнинг биринчи ва унутилмас президентидир.**

Энг асосийси, Жорж Вашингтон ҳаёти миллат ва ватанга фидойиликнинг ажойиб намунаси сифатида кўпгина авлодларга сабоқ бўлиб қолади.

**Ҳусан ТУРСУНОВ тайёрлади**

Ajab savdolar

# ҲАҚИҚАТ КИМ ТОМОНДА?

***(Давоми. Боши учинчи бетда.)***

Ушбу Низомлар намунавий шаклда бўлгани сабабли тавсиявий хусусиятга эга. Қолаверса, акциядорлик жамияти бошқаруви раиси (директори ва ҳ.к) лавозимига тайинланадиган шахс номзодининг Кузатув кенгаши томонидан ўрганиб чиқилишининг мажбурийлиги **"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"**ги Қонунда ҳам, "Пешку автожамланма" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти Низомида ҳам белгиланмаган.

Санаб ўтилган қонун талабларига яна шуни қўшимча қилиш жоизки, 4 сентябр куни ўтказилган "Пешку автожамланма" очиқ акциядорлик жамиятининг умумий йиғилишида давлат улуши ҳисобидан "Бухоротранс" акциядорлик уюшмаси вакили Р.Камолов 25 фоизлик 433 дона акция билан қатнашган. Бошқа акциядорлар эса 736 дона акция билан иштирок этишган. Шу тариқа йиғилиш кворуми 67,5 фоизни ташкил этган. Йиғилишда жамият бошқаруви раислигига номзодлар кўрсатилиб, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 37 фоизлик 433 дона акция М.Мавлоновга, 63 фоизлик 736 дона акция Ғ.Атоевга овоз берган. Бу эса **"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"**ги Қонуннинг 66 ва 75-моддалари талабларига мосдир. Демак, Н. Тошеванинг шикоят хатида ёзилганидек, Ш. Каримов ва М. Мавлонов томонидан "Пешку автожамланма" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти акциядорларининг қонуний ҳуқуқлари поймол этилаяпти, дейишга асос бор.

Қолаверса, М. Мавлоновнинг ҳиссадорлик жамияти умумий йиғилишга ҳисобот бермаганининг сабаби ҳам кўпчиликни қизиқтиради. Шикоят хатида айтилишича, жамиятнинг 6 миллион сўмдан ортиқ муддати ўтган дебиторлик ва 7 миллион сўмга яқин солиқ қарзи бор экан. Биргина солиқ тўлови бўйича тўланиши лозим бўлган устама 2 миллион сўмни ташкил этибди. Бу ҳолдан ташвишланган Кузатув кенгаши Низомга биноан жамиятнинг 2001 йилдаги фаолияти бўйича аудитор текшируви тайинлаган. Аудитор текшируви жамиятнинг асосий мулк воситаларининг катта қисми ноқонуний равишда сотиб юборилгани ва ҳисобдан чиқарилганини кўрсатган. Бухоро шаҳрида жойлашган "Бухороконсаудитинформ" аудиторлик фирмасининг аудитори Р. Қодирова томонидан имзоланган ҳисоботда уларнинг узундан-узун рўйхати келтирилган. Шикоятчининг билдиришича, Ш. Каримов ва М.Мавлоновнинг акциядорлар ва Ғ. Атоевга тўсқинлик қилиши ортида ана шу қонунбузарликни хаспўшлаш мақсади турибди. Чунки "Бухоротранс" ҳиссадорлик уюшмаси бошқаруви раисининг шу йил 15 феврал куни чиқарилган 10-сонли буйруғи билан "Пешку автожамланма" очиқ турдаги акциядорлик жамияти балансида бўлган айрим асосий воситалар асоссиз равишда ҳисобдан чиқарилган. Устига устак, М. Мавлонов жамият кузатув кенгаши ва акциядорларнинг розилигисиз бир қанча автомашиналарни сотиб юборган. Ушбу ҳаракатларнинг қанчалик қонунийлиги бўйича кузатув кенгаши томонидан Давлат Мулк қўмитаси ва унинг Бухоро вилоят ҳудудий бошқармасига мурожаат этилган. Бошқарма бошлиғи имзоси билан йўлланган жавоб хатида ёзилишича, Ш. Каримов ва М.Мавлоновнинг ушбу ҳаракатлари **"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"**ги Қонуннинг 12-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 26 март кунидаги 97-сонли қарорининг 5-банди талабларига зиддир.

Кўриниб турибдики, шикоятчи Н. Тошеванинг саволида жон бор. Албатта, бу ҳали бир томон — Н. Тошева тақдим этган ҳужжатлар асосида чиқарилган нисбий хулоса. Таёқнинг икки учи бўлгани каби бу ёқда иккинчи томон — Ш. Каримов ва М. Мавлоновнинг ҳам манфаатлари ва важлари турибди. Эҳтимол, улар Н. Тошеванинг шикоятига қарши далиллар тақдим этишса, ажаб эмас. Шу боис Ш. Каримов ва М. Мавлоновнинг хатти-ҳаракатлари қонунга нисбатан зўравонлик экани ёки эмаслиги тўғрисида якуний сўз айтишга ҳаққимиз йўқ. Бу масалани мутасадди ташкилотлар эътиборига ҳавола этамиз. Мақола аввалида тилга олинган умумий саволга эса "айрим сунъий тўсиқларга қарамай мамлакатимизда тадбиркорлик ва мулкдорлик дадил тараққий этмоқда" деб қатъий тарзда жавоб беришга жазм қилдик. Ўйлашимизча, бу жавобни исботлашнинг ҳам, изоҳлашнинг ҳам ҳожати йўқ.

**Холли НОРБОЕВ,**
**журналист**

Qilmish-qidirmish

# ЎҒРИЛИКНИНГ ИЛДИЗИ

**Кўр кўрни қоронғида топади, деб бежиз айтишмаган экан. Ҳеч қаерда ишламайдиган, лекин кайфу сафодан бўшамайдиган Нодир билан Миробид ёз кунларининг бирида Андижон шаҳридаги Нодирабегим номидаги маданият ва истироҳат боғида учрашиб қолишди. Иккаласи ҳам ширакайф эди. Яна ичишди, тасодифан учрашиб қолганини «ювишди».**

**Гарчи улар ўлардек маст бўлишса-да, бирдан миялари ўз фойдасига ишлаб қолди. Биринчи бўлиб, Нодирнинг кўз олдига шу яқин атрофдаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (АЁҚШ)да савдо пулларини санаб ўтирган оператор келди. Шундай қилиб икковлон маст-аласт ҳолда АЁҚШ га кириб келишди.**

**Аввалига Миробид учун Нодир оператор Акбаралидан қарз сўради.**

**— Мана, ёнимда уч минг сўм пул бор экан, шуни ишлатиб туринглар, — деди Акбарали очиқ кўнгиллик билан.**

**Улар уч минг сўм пулни олиб чиқиб кетишаётганда, Нодир кутилмаганда шундай деб қолди:**

**— Миробид ака, бу ерда пул кўп, уни олиб чиқиб кетмасам бўлмайди. Фақат сиз Акбаралини ушлаб турсангиз бўлди...**

**Улар изига қайтиб, оператордан яна пул сўрашди. Аммо у бошқа пулим йўқ, деб оёқ тираб туриб олди. Шунда Миробид Акбарни бўйнидан маҳкам ушлаб турди. Нодир эса унинг чўнтакларини ковлаб, сандиқнинг калитини олди.**

**Нодир дарҳол нариги хонага кириб, чироқни ўчирди-да, темир сандиқни очиб, унинг ичидаги пулларни оқ дуррага тугиб чиқди. Бу орада Акбарали амаллаб Миробиднинг қўлидан қутулиб чиқди ва қочиб қолди.**

**Икки ўғри эса пулларни олиб, «Бўстон» даҳаси атрофидаги адирликка чиқиб кетишди. Улар овлоқ бир жойда тунни ўтказишиб, эрталаб Андижон шаҳрининг «Янги бозор»ига келишди. Аввалига нонушта қилишиб, сўнгра бозор айланишди. Ўзларига алламбало қимматбаҳо кийимлар олишди. Текин пулни сарфлаш осон-да. Аммо уларнинг югургани узоққа чўзилмади. Уларни тушликда маишат қилиб ўтиришганда, тўсатдан келиб қолган милиция ходимлари қўлга туширишди. Икковлон АЁҚШдан оз эмас, кўп эмас 640 минг сўм пулни ўмаришган экан.**

**Текин луқма тешиб чиқади, албатта. Тоғни урса талқон қиладиган йигитлар энди умрининг анчагина қисмини темир панжара ортида ўтказадиган бўлишди.**

**Буёғини сўрасангиз, Нодирбек Азизов илгари ҳам Жиноят Кодексининг 104-моддаси 1-қисми билан судланиб, Амнистия туфайли озодликка чиққан эди. Миробид Каримқуловни нима жин урди?!. Ахир, у икки норасида гўдакнинг отаси, оила бошлиғи эди.**

**Аслида иккаласининг ҳам ўғирлик — юзи қоралик сари қадам ташлашига ичкиликбозлик сабаб бўлган. Бунинг устига улар шу пайтга қадар ҳеч қаерда ёлчитиб ишлашмаган. Бугун тадбиркорликнинг, ҳалол пул топишнинг минг бир хил йўли борку?! Иккаласи ҳам Андижон туманидаги «Ёрбоши» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилади. Бу ҳақда қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғини, туман ҳокимлиги ўйлаб кўрадиган вақт аллақачон етди.**

**Умида ИМОМОВА,**
**ҳуқуқшунос**

## КЕЛИНГ, КУЛИШАЙЛИК

***Бир қария роҳибга мурожаат қилди:***

***— Ҳазрат! Худонинг иноятини қарангки, мен саксон ёшдаман. Хотиним ўн саккизда. Қўчқордай ўғил туғиб берса бўладими?***

***— Бўтам, — деб жавоб берди роҳиб, — ёшлигимда кўп саёҳат қилганман. Бир куни рўпарамдан йўлбарс чиқиб қолди. Қўлимдаги ҳассани милтиқдек ўқталиб, «пақ!» дегандим, йўлбарс «гуп» этиб йиқилди.***

***— Бу ҳам Худонинг иноятибўлган экан-да!***

***— Йўқ, бўтам. Орқамдан милтиқ кўтарган ҳақиқий овчи бор экан...***

* * *

***Бир одам врачга дебди:***

***— Хотиним оғир ётибди, ёрдам беринг!***

***— Зулук бериб кўрмадингизми?***

***— Бериб кўрдим. Учтасини еди. Қолганини емайман деб оёқ тираб туриб олди...***

Jinoyat va jazo

# ҚУТУРГАН ҚОТИЛ

*Дунё бино бўлибдики, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш тинган йўқ. Гарчи бу курашда ҳар гал эзгулик, адолатнинг туғи баланд келса-да, ёвузлик ҳам турфа шакл-шамойилга кириб ўз умрини узайтиришга ҳаракат қилиб келган.*

*Энг даҳшатлиси, ана шу ёвузликлар тепасида ҳам одамзод боласи турган.*

*Қуйида ана шундай даҳшатли бир жиноят тафсилоти ва унинг фош этилиши ҳақида ҳикоя қиламиз.*

1996 йил 3 апрелда АҚШнинг Биллингса шаҳрида (Монтана штати) ашаддий қотил ва террорчи Унабомбер қўлга олинади. У ўзининг ёвуз хатти-ҳаракати билан кейинги 18 йил ичида бутун Американи қўрқув ва таҳликага солган. Ҳайратли томони шундаки, у ҳар гал ваҳшийликни ўзидан бирон бир из қолдирмасдан содир этиб, сирли тарзда ғойиб бўлаверган.

Унабомбер қўлбола бомбани биринчи марта 1978 йил 28 майда Эванстоун шаҳридаги университетда портлатган. У бомбани махсус қутига жойлаб, гўёки совға тарзида университетга жўнатган. Қутини очиб кўраётган полиция ходими портлаш натижасида енгил жароҳат олган. Шундан сўнг қотил томонидан етти марта портлатиш амалга оширилган ва бу ваҳшийлик оқибатида юзлаб бегуноҳ кишиларга турли хил даражада жароҳат етказилган.

1985 йилнинг 11 декабрида бегуноҳ бир кимса Унабомбернинг илк қурбонига айланади. Гап шундаки, қотил Унабомбер ўша куни замонавий асбоб-ускуна ва техникалар сотиладиган магазин олдида бомба солинган қутини қолдириб кетади. Магазин хўжайини бу қутига кўзи тушиб, уни четга олиб ташлаш ниятида қўлига олади ва шу заҳотиёқ кучли портлаш натижасида дунёдан кўз юмади. Бу ваҳшийликдан нафақат у, балки яна 23 нафар бегуноҳ киши ҳам оғир тан жароҳати олади.

1994-95 йилларда Унабомбер баттар қутуриб кетади. У содир этган ваҳшийлик натижасида яна икки киши қурбон бўлади, юз нафарга яқин киши турли даражада тан жароҳати олади.

Энг ёмони, ўтган ўн саккиз йил ичида Американинг турли ҳудудларида узлуксиз портлашлар рўй бериб туради. ФБР ходимлари бу портлашлар ким томонидан содир этилаётганини аниқлаш, ашаддий жиноятчини қўлга олиш мақсадида қаттиқ қидирув олиб боради, минглаб одамлар текширилиб, ўта жиддий чора-тадбирлар кўрилади.

Аммо буларнинг бирontаси натижа бермайди. Ҳар сафар қотил сирлигича қолиб кетаверади.

Шу ўринда табиий бир савол туғилади: хўш, қотил Унабомбернинг бу ваҳшийликни амалга оширишдан кўзлаган муддаоси нима эди? Ёки у ақлдан озган, қандай хунрезликка қўл ураётганини ўзи ҳам идрок этолмайдиган телба эдими?

Албатта, қотил бу хунрезликларни шунчаки амалга оширган эмас. Аммо унинг ниятини эшитган киши ёқасини ушламай иложи йўқ. Нега деганда, Унабомбер ўзи ясаган бомбаларни портлатиб, бегуноҳ кишиларнинг умрига зомин бўлар экан, бу ваҳшийликдан кўзлаган муддаоси — шундай қабиҳ йўл билан ўзининг замонавий технология тараққиётига қарши эканини намоён этиш бўлган экан.

Қотил Унабомбер ўзининг ёвуз ниятини амалга оширишда усталик билан иш тутардики, ФБРнинг қилни қирқ ёрадиган изқуварлари ҳам унинг изини тополмай доғда қоларди.

1995 йилга келиб, Унабомбернинг юрагида қасос ўти баттар ошган шекилли, у АҚШнинг йирик газеталарига норозилик хатларини жўнатишга тушган. Буни қарангки, унинг ана шу хатти-ҳаракати жиноятнинг фош бўлишига олиб келган.

Гап шундаки, Унабомбернинг қўл билан ёзилган норозилик баённомаси кунларнинг бирида унинг акаси уйидан топилади. Кейинчалик бу ёзув ФБР ходимларининг қўлига тушади. Бу — изқуварларнинг қўлидаги якка-ю ягона далилий ашё бўлиб, ўз навбатида қотилни топиш имконини яратиб берди.

Қисқаси, 53 ёшли поляк муҳожири, математика профессори Теодор Кучинскийнинг ўғли ФБР изқуварларининг эътиборини тортади. У бир неча йил Монтана штатининг гадойтопмас ҳудудида одамлар назаридан четда яшаб келаётган эди.

Охир-оқибат эса, айнан ана шу муҳожирнинг ўғли ашаддий қотил — Унабомбер бўлиб чиқди.

**«Ҳаёт ва қонун» юридик журнали ҳамда «Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетаси бирлашган таҳририяти жамоаси таҳририят ходими Мадина Абдуллаевага бобоси**
**АБДУЛЛА бобонинг**
**вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.**

1996 йилнинг январидан нашр этилади

ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодикул ХАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Бўритош МУСТАФОЕВ
Пўлат САМАТОВ
Хуршид СОДИҚОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шуҳрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Ислом ҲАМРО
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Холли НОРБОЙ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-921. Тиражи — 10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.30

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Саҳифаловчи: Жаъфар ЖАББОРОВ
Компьютер операторлари: Мадина АБДУЛЛАЕВА, Дилноза ШОКИРОВА

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 132-14-18 (умумий бўлим), 133-70-65, 133-84-50

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.